

**“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ  
(IT-Парк) ва И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ (МГУ) университетининг  
Тошкент шаҳридаги филиали ўртасидаги  
ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ**

Кейинги ўринларда “IT-Парк” деб юритилувчи Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси (Ўзбекистон Республикаси) номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор Ф.З.Ибрагимов бир томондан ва кейинги ўринларда “Филиал” деб юритилувчи Низом асосида фаолият юритувчи И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ (МГУ) университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ижрочи директори А.М.Магруппов иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб аталувчилар, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш учун икки томонлама манфаатдорликдан келиб чиққан ҳолда, ахборот технологияларини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш экотизимини яратиш ва IT-таълимнинг муҳимлигини ҳисобга олган, ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланиб, ушбу Меморандумни қуйидагича туздилар.

**1-модда. Меморандум предмети**

1.1. Ушбу Меморандумнинг предмети –Ўзбекистон Республикаси ёшлари ўртасида стартап-экотизимни, шунингдек, таълим соҳасини ривожлантириш мақсадида Томонлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш.

**2-модда. Ҳамкорлик йўналишлари**

2.1. Ушбу Меморандум доирасида Томонлар қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни амалга оширишга интиладилар:

2.1. Томонлар ўртасида тўғридан-тўғри ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш.

2.2. Донорлар, грантлар ва бошқаларни жалб қилган қўшма лойиҳалар.

2.3. Стартап экотизимини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳалар.

2.1.4. Алоҳида дастурларни амалга ошириш бўйича ўқитувчилар ва мураббийлар алмашинуви.

2.5. Лойиҳаларни амалга ошириш учун университет бинолари ва инфратузилмасини биргаликда ишлатиш, шунингдек стартап экотизимини ривожлантириш бўйича IT-Парк тадбирлари учун бинолардан алоҳида фойдаланиш.

2.6. Ўзаро келишув бўйича бошқа йўналишлар.

**3-модда. Махфийлик**

3.1. Томонлар шу билан, ушбу Меморандум амал қилиш муддати давомида Томонларнинг бир-бирларига берган маълумотлари махфий ҳисобланишини ва бошқа Томоннинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга берилиши мумкин эмаслиги тўғрисида келишиб олдилар.

**4-модда. Меморандум ҳолати**

4.1. Томонлар ушбу Меморандумнинг шартлари ва қоидалари Томонларга ҳеч қандай ҳуқуқий ёки молиявий мажбуриятларни юкламаслигини тан олишади, фақат ушбу Меморандумнинг 3-моддасида кўзда тутилган махфийлик режимига риоя қилиш бундан мустасно.

4.2. Ушбу Меморандумга мувофиқ аниқ тадбирлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш алоҳида Келишувлар доирасида қўшимча тарзда белгиланади ва келишиб олинади.

4.3. Ушбу Меморандумнинг имзоланиши Томонларнинг уларнинг фаолиятига тааллуқли қонунчилик талабларини бузмайди.

4.4. Ушбу Меморандум дастлабки шартнома эмас ва унинг Томонлар томонидан бажарилмаслиги ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

### 5-модда. Бошқа шартлар

5.1. Ушбу Меморандум бўйича ҳамкорлик доирасида Томонлар лойиҳалар ва тадбирларни сифатли амалга ошириш учун қулай шароитлар яратадилар.

5.2. Томонлар пайдо бўлган муаммоларни кўриб чиқиш ва ушбу Меморандум қоидаларини амалга ошириш бўйича қўшма тадбирларни амалга ошириш учун Томонларнинг ваколатли вакиллари орқали ушбу Меморандум бандларини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

5.3. Ушбу Меморандум доирасида ҳамкорлик Томонлар қонунчилигига зид бўлмаган шаклларда амалга оширилади.

5.4. Ушбу Меморандумга киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда тузилган ва Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади.

5.5. Ушбу Меморандум қоидаларини амалга ошириш ва талқин қилиш билан боғлиқ ҳар қандай баҳсли масалалар Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

### 6-модда. Яқуний қоидалар

6.1. Ушбу Меморандумни амалга ошириш билан боғлиқ юзага келиши мумкин бўлган барча тортишувлар ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Ушбу Меморандумга ўзгартиришлар ва қўшимчалар Томонларнинг ўзаро келишуви асосида қўшимча протоколларни имзолаш йўли билан киритилиши мумкин.

6.3. Ушбу Меморандум ҳар икки Томон имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва ёзма огоҳлантириш билан бекор қилинмагунча амал қилади. Бундай ҳолда, ушбу Меморандумнинг амал қилиши Томонлардан бири бошқа Томоннинг ёзма хабарномасини олган кундан бошлаб олти ой ўтгач тўхтатилади.

2021 йил "19" февралда Тошкент шаҳрида бир хил юридик кучга эга бўлган ўзбек тилидаги иккита асл нусхада имзоланган.

“Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки дирекцияси” МЧЖ (IT-Парк)

И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефт ва газ (МТУ) университети Тошкент шаҳридаги филиали

Юридик манзил:

Юридик манзил:

Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Тепамасжид 4- кўчаси.

Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Дўрмон йўли кўчаси, 34-уй.

Телефон: (71) 262-70-91

E-mail: info@gubkin.uz

Директор

Ижрочи директор

Ф. Ибрагимов

А.Магруппов

